


ISSN 2181-5534

ИНФЕКЦИЯ, ИММУНИТЕТ И ФАРМАКОЛОГИЯ



№ 4 / 2020

ИНФЕКЦИЯ, ИММУНИТЕТ И ФАРМАКОЛОГИЯ

Научно-практический журнал

4/2020

Журнал основан в 1999 г.

Редакционная коллегия:


Главный редактор — профессор Тулаганов А. А.

акад. Арипова Т.У., д.м.н. Абдухакимов А.Н., проф. Арипов А.Н., д.б.н. Аллаева М.Ж., д.м.н. Ашурова Д.Т., проф. Аминов С.Д. (ответственный секретарь), проф. Гулямов Н. Г., проф. Исмаилов С.И., проф. Ибадова Г.А., проф. Каримов М.М., проф. Каримов М.Ш., проф. Комилов Х.М. проф. Косимов И.А. (зам. глав. редактора), проф. Отабеков Н.С., проф. Туляганов Р.Т. проф. Мавлянов И.Р., проф. Маматкулов И.Х., проф. Мусабаев Э.И., проф. Мухамедов И.М., проф. Таджиев Б.М., проф. Туйчиев Л.Н., д.м.н. Саидов С.А., проф. Иноятлов, А.Ш., проф. Нуралиев Н.А., проф. Назруллаев Н.У., проф. Наврузова Н.И., д.ф.н. Камбаров Х.Ж., б.ф.н. Кахоров Б.А.

Редакционный совет:

акад. Иноятлова Ф.И. (Ташкент)
акад. РАН Бахрамов С.М. (Ташкент)
проф. Сагдуллаев Ш.Ш. (Ташкент)
акад. РАН, Кукес В.Г. (Москва)
акад. Даминов Т.А. (Ташкент)
акад. Тулегенова А.У. (Астана)
акад. Тураев А.С. (Тошкент)
акад. Раменская Г.В. (Москва)

проф. Гариб Ф.Ю. (Москва)
проф. Каримов Х.Я. (Тошкент)
проф. Мадреимов А.М. (Нукус)
проф. Ахмедова М.Д. (Ташкент)
проф. Аскарлов Т.А. (Бухара)
проф. Облокулов А.Р. (Бухара)
проф. Сайфутдинов Р.Г. (Казань)
д.м.н. Расулов С.К. (Самарканд)



Ташкент-2020

СОДЕРЖАНИЕ

1. **АБДУКАДИРОВ М.А., ЭШБАДАЛОВ Х.Ю.** ПРИМЕНЕНИЕ ПОЛИПРОПИЛЕНОВОГО ВОЛОКНИСТОГО СОРБЕНТА В ВИДЕ ДРЕНАЖА ПРИ КОМПЛЕКСНОМ ЛЕЧЕНИИ ФУРУНКУЛОВ И КАРБУНКУЛОВ ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ.....4
2. **АБДУХАЛИЛОВА Н.С., ИСКАНДАРОВА Ш.Ф., ИГАМБЕРДИЕВА Г.А.** “КУРМУФЕР” КАПСУЛАЛАРИНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ.....7
3. **АЛЛАМУРАТОВ М., ХЎЖАМҚУЛОВА М.** СПОРТЧИЛАР ҚОНИДАГИ ИММУНОГЛОБУЛИНЛАР (IgE, IgA, IgM, IgG) МИҚДОРИЙ ДИНАМИКАСИНИНГ МУСОБАҚАЛАРДАН ОЛДИН ВА КЕЙИНГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....12
4. **АЛОВИДДИНОВ Ш.Д., ГАЙБУЛЛАЕВ Э.А., РИЗАЕВ Ж.А.** ПАРОДОНТ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ЮЗАГА КЕЛИШИНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ВА БИОКИМЁВИЙ МЕХАНИЗМЛАР ТАҲЛИЛИ.....20
5. **АРЗИЕВ Х. Ю., РАСУЛОВ Ш.М.** ЭХИНОКОККОЗ - ХАВФЛИ ГЕЛЬМИНТОЗ.....27
6. **БАРАТОВ К.Р., ВЫПОВА Н.Л., ЯКУБОВА Р.А., МАТЧАНОВ А. Д., ТАГАЙАЛИЕВА Н.А.** ИЗУЧЕНИЕ ОСТРОЙ ТОКСИЧНОСТИ И КУМУЛЯТИВНЫХ СВОЙСТВ НОВОЙ РАСТВОРИМОЙ ФОРМЫ РУТИНА.....33
7. **ГАИПОВА Н.Н., ТУЛЯГАНОВ Р.Т., КАРИЕВА Ё.С., НУРИДУЛЛАЕВА К.Н.** ИЗУЧЕНИЕ СПЕЦИФИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ И БЕЗВРЕДНОСТИ СУХОГО ЭКСТРАКТА «ФИТОИНФЛАМ».....39
8. **ДАМИНОВ Б.Т., АБДУВАХИТОВА А.Н.** NEW ORAL ANTICOAGULANTS (RIVAROХAVAN) IN THE TREATMENT OF PATIENTS WITH CHRONIC GLOMERULONEPHRITIS.....45
9. **ДЖУРАБЕКОВА А.Т., ШМЫРИНА К.В., ВЯЗИКОВА Н.Ф.** СОВРЕМЕННЫЙ ПОДХОД К ТЕРАПИИ ПАЦИЕНТОВ С СИНДРОМ ХРОНИЧЕСКОЙ УСТАЛОСТИ (СИНДРОМ ЭМОЦИОНАЛЬНОГО ВЫГОРАНИЯ, СИНДРОМ МЕНЕДЖЕРА).....50
10. **ЖАББОРОВ У.У., РАСУЛЬ-ЗАДЕ Ю.Г., ИСМАЙЛОВА А.А.** ИММУНОГЛОБУЛИНЫ И ЦИРКУЛИРУЮЩИЕ ИММУНОКОМПЛЕКСЫ У ПЛОДА С ГЕМОЛИТИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНЬЮ ПРИ РЕЗУС-ИММУНИЗАЦИИ.....59
11. **ЖАББОРОВ У.У., РАСУЛЬ-ЗАДЕ Ю.Г., ИСМАЙЛОВА А.А.** ЦИТОКИНОВЫЙ СТАТУС У ПЛОДА С ГЕМОЛИТИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНЬЮ ПРИ РЕЗУС-ИММУНИЗАЦИИ МАТЕРИ.....65
12. **ЖАЛИЛОВ Ж.Ж., ХУРСАНОВА Л.М., БОБОҚУЛОВ М.Ш., МАМАТОВА М.С.** СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ НОГИРОН БОЛАЛАРНИНГ НОГИРОНЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА САБАБЛАРИ.....71
13. **ЗУПАРОВА З. А., ОЛИМОВ Н. К., ИСМОИЛОВА Г. М., РАХИМОВ Б.С.** ПЕРСПЕКТИВНОСТЬ РАЗРАБОТКИ ИММУНОМОДУЛИРУЮЩИХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ И ИЗУЧЕНИЕ МИКРОБИОЛОГИЧЕСКОЙ ЧИСТОТЫ СУХОГО ЭКСТРАКТА ИЗ ТРАВЫ ЭХИНАЦЕИ ПУРПУРНОЙ.....78
14. **ИБАДОВ Р.А., ИСМАЙЛОВ Е.Л., ГИЗАТУЛИНА Н. Р.** ВЛИЯНИЕ СИСТЕМНОГО ПРОТЕЗИРОВАНИЯ ФУНКЦИИ ПЕЧЕНИ НА ИММУННЫЙ СТАТУС У ПАЦИЕНТОВ С ОСТРОЙ ПЕЧЕНОЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТЬЮ.....82
15. **ИСЛАМОВА Ж.И., ЖАУЫНБАЕВА К.С., РАХМАНБЕРДЫЕВА Р.К., ХУШБАКТОВА З.А., СЫРОВ В.Н.** ИЗУЧЕНИЕ АНТИМИКРОБНОГО ДЕЙСТВИЯ СОЕДИНЕНИЙ УГЛЕВОДНОЙ ПРИРОДЫ ИЗ ARCTIUM LEIOSPERMUM.....91
16. **МУРАТОВА Д.Х., ЭРГАШЕВ Н.А., АСРАРОВ М. И., ХОЛОВА М. А.** АКТИВАТОРЫ АТФ-ЗАВИСИМОГО КАЛИЕВОГО КАНАЛА МИТОХОНДРИЙ.....96
17. **МУХАМЕДАЛИЕВА Н.М., МИРЖАЛОЛОВА Н.Б.** ОСОБЕННОСТИ РЕАГИРОВАНИЯ ИММУННОЙ СИСТЕМЫ У СОТРУДНИКОВ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ С НИЗКОЙ НЕРВНО-ПСИХИЧЕСКОЙ УСТОЙЧИВОСТЬЮ.....101

18. РАХМАНОВА У.У. МЕДИКО-ГЕНЕТИЧЕСКАЯ КОНСУЛЬТАЦИЯ БОЛЬНЫХ ТАЛАССЕМИЕЙ В УЗБЕКИСТАНЕ.....106
19. САИДОВ С.А., ХАЙДАРОВА Д.С., КОМИЛОВА С.Д., МАМАТКУЛОВА К.Ш., ТУЛЯГАНОВ Б. С. ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ТОКСИЧНОСТИ КУКОЛОЧНОГО МАСЛА "BOMBUX MORI".....111
20. САИДХОДЖАЕВА С.Н. АГРЕССИЯ - КАК КОМПОНЕНТ ВИЧ - АССОЦИИРОВАННОЙ ЭНЦЕФАЛОПАТИИ У ДЕТЕЙ.....114
21. САЙФИЕВА Х.Д., ЭРГАШЕВ Н.А., МАХМУДОВ Р.Р., КОМИЛОВ Э.Ж., АСРАРОВ М.И. АЙРИМ ПОЛИФЕНОЛ БИРИКМАЛАРНИНГ ЖИГАР МИТОХОНДРИЯЛАРИДА ЛИПИДЛАРНИНГ ПЕРЕКИСЛИ ОКСИДЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.....122
22. СЕКЛЕР Д.Э. O'ZBEKISTONDA INTERLEJKN 28 B GEN POLIMORFIZMINI ANIQLASH UCHUN ENG ANIQ SNP GENOTIPLASH USULINI TANLASH.....128
23. СЕКЛЕР Д.Э. GEPATIT C ANTIVIRUS DAVOLASH EFFEKTI VA GNB3 GEN MUTATSIYASINING TA'SIRI.....133
24. УМАРОВА Ш.З., СУЛТАНБАЕВА Н.М., ШАРИПОВА М.Б., САДЫКОВА Г.Э. АНАЛИЗ ПОТРЕБЛЕНИЯ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ ПРИМЕНЯЕМЫЕ ПРИ СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТЫХ ЗАБОЛЕВАНИЯХ.....137
25. УСМАНОВ У.Х., КОМИЛОВ Х.М., АБДУРАХМОНОВА Н.А., САЛЯМОВА Ш. Т. СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИЗУЧЕНИЕ АМИНОКИСЛОТНОГО СОСТАВА ПРОТИВОЯЗВЕННОГО СБОРА И ПОЛУЧЕННЫХ НА ЕГО ОСНОВЕ НАСТОЙКИ И СУХОГО ЭКСТРАКТА.....144
26. ХАСАНОВА М.А., АБДУСАЛИМОВ Ш.К. СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ИЗОГЕМАГГЛЮТИНИРУЮЩИХ СЫВОРОТОК И ФИТАГГЛЮТИНИНОВ ПОД ВОЗДЕЙСТВИЕМ ВЫСОКОЙ ТЕМПЕРАТУРЫ.....150
27. ША-АХМЕДОВА Л.Р., МУХАМЕДЖАНОВА Н.И., АХМАТХОДЖАЕВА Д.А., МАТЯКУПОВА Г.Р., ФАЙЗИЕВ Б.С. ВЛИЯНИЕ ПИТАНИЯ НА ЗАБОЛЕВАЕМОСТЬ ДЕТЕЙ РАННЕГО ВОЗРАСТА ПНЕВМОНИЕЙ С БРОНХИАЛЬНОЙ ОБСТРУКЦИЕЙ.....154
28. ШОКИРОВА Г.А., ШОМИРЗАЕВА Г., ГАНИЕВА Н.Р., УМАРОВА Ш.З. ОНКОГЕМОТОЛОГИЯ КАСАЛЛИКЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ АССОРТИМЕНТИНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ.....160
29. ЮНУСОВА Х.М., АБДИЖАЛИЛОВА З.Х., ТУЛЯГАНОВ Р.Т. ФАРМАКОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ СИРОПА «АМБРОКСОЛ».....166
30. АБЗАЛОВ А. ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ МАОРИФИ ҲОДИМИ172

пародонтит. Кроме того, был проведен сравнительный анализ и сделаны выводы по теме ряда современных научных публикаций.

Ключевые слова: хронический генерализованный пародонтит, пародонтит, ранг-ранг-орган, остеолит, атрофия, воспаление пародонтита, микрофлора.

SUMMARY

MICROBIOLOGICAL AND BIOCHEMICAL ANALYSIS OF THE OCCURRENCE OF PARODONTIC DISEASES

Aloviddinov Shamshodkho'ja Dilshod son ., Gaybullaev Elbek Azizbekovich ., Rizayev Brave Alimjanovich

Tashkent State Institute of Dentistry, Uzbekistan., Samarkand State Medical Institute.

shamshod_stom@mail.ru

This article analyzes the mechanisms of factors that cause periodontal disease. The features of interaction between the RANK-RANKL-ORG system and the microbial microflora of the oral cavity are also studied. It was also noted that the osteosorpic properties of periodontal bacteria are an inseparable dependence of the balance of the organ system, the formation of osteolysis of bone tissue and one of the causes of bone atrophy. Thus, the article proved the scientific analysis that microbes are one of the main factors that cause chronic periodontitis. In addition, a comparative analysis was conducted and conclusions were drawn on the topic of a number of modern scientific publications.

Keywords: chronic generalized periodontitis, periodontitis, rank-rank-organ, osteolysis, atrophy, periodontitis inflammation, microflora.

УДК. 616.619.631.995.1.

ЭХИНОКОККОЗ - ХАВФЛИ ГЕЛЬМИНТОЗ

Арзиев Хидир Юлдашович¹, Расулов Шомурод Махмудович²

Ветеринария илмий-тадқиқот институти.,

Тошкент тиббиёт академияси.

rshm81epid@mail.ru

Калит сўзлар. Гельминтозлар, цестодоз, эхинококкоз, эпизоотология, эпидемиология, гижжасизлантириш.

Кириш. Кўпгина юқумли ва паразитар касалликлар, жумладан гельминтозлар муайян ҳайвон, ҳайвонлар гуруҳи ёки одам организмига мослашган ва айнан шу жонзотларга хос бўлади. Аммо бир қатор гельминтозлар турли хил ҳайвонлар: қавш қайтарувчи ҳайвонлар йирик шохли моллар (қорамол, буғу, қутос), майда шохли ҳайвонлар (қўй, эчки, оху, жайрон, архар ва бошқалар), от, туя, чўчка ва одам (*Homo sapiens*) учун хос бўлган гельминтозлар ҳам мавжуд. Бу тоифа касалликлар, антропозоноз, зооантропоноз ёки қисқа қилиб зооноз гельминтозлар деб аталади.

Зооноз гельминтозларни, уларни кўзгатувчи гельминтларнинг биологик ривожланиш турига қараб уч гуруҳга бўлиш мумкин: Биринчи гуруҳ зооноз гельминтозларининг кўзгатувчилари ўзининг биологик ривожланишининг бирор босқичини ёки ҳайвонларда, ёки одамда ўтказди. Масалан чорва моллари ва бошқа кўп тур ҳайвонлар, жумладан одамларнинг ларвал цестодозлари - эхинококкоз, ценуроз, ингичка бўйинли цистицеркоз, *Echinococcus*, *Multiceps* ва *Taenia* авлод цестодаларининг личинкаси томонидан кўзгатилади. Бу гельминтларнинг вояга етган шакллари эса гўштхўр ҳайвонлар – ит, бўри, тулки, шоғол ва бошқалар организмларида яшайди.

Иккинчи гуруҳ зооноз гельминтозларининг кўзгатувчилари ўзининг вояга етган босқичида одам организмда паразитлик қилиб унинг личинка босқичи ҳайвонлар организмда ўтади. Бундай гельминтозларга Тениаринхоз (қорамол солитёри), описторхоз, тениоз (чўчка солитёри) каби гельминтозлар киради.

Учинчи гуруҳ зооноз гельминтозларининг кўзгатувчилари ўзининг вояга етган босқичида турли хил ҳайвонлар ва одам организмда паразитлик қилади – Шистоматозлар, айрим ҳолларда фасциолёз. Масалан: шистоматозлардан бир неча тур трематодалар, жумладан *Schistoma bovis*, *Sch. Japonica*, *Sch. spindate* турли ҳайвонлар ва одамлар организмда паразитлик қилишга мослашган.

Ушбу гельминтозлардан энг кенг тарқалган ва ҳам ҳайвонлар, шу жумладан чорва моллари, ҳам инсон (одам) лар учун катта зарар келтирадиган ва хавф туғдиридиган гельминтозлар – ларвал цестодозлар, яъни биринчи гуруҳ зооноз гельминтозларига тўхталамиз.

Гельминтозоонозлар қишлоқ хўжалик ҳайвонларини зарарлаб иқтисодий зарар келтиради. Яъни, халқ хўжалигини ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бу иқтисодий зарар ушбу касалликга қарши ўтказилаётган ветеринария санитария тадбирларига сарфланадиган харажатлар, касалланган ҳайвонлар маҳсулдорлигини кескин пасайиши ва касалланган ҳайвонларнинг нобуд бўлишидан юзага келади.

Гельминтозоонозлар орасида энг хавфли касаллик – эхинококкоз ҳисобланади. Шунинг учун биз қўйида бу касаллик туғрисида маълумотларни ҳавола қиламиз.

Н.М.Матчанов, А. Т. Сагиева, В.М. Содиқов (1977) маълумотларига кўра Самарқанд вилояти хўжаликларида олиб келинган ҳайвонлар гўшт комбинатида сўйилиб текширилганда, 6056 бош қўйлардан 2923 боши (48,2 фоиз), 2543 бош йирик шохли ҳайвонлардан 287 боши (11,28 фоиз), 6712 бош чўчкалардан 240 боши (3,58 фоиз), 112 бош туялардан 39 боши (34,8 фоиз), 1837 бош эчкилардан 6 боши (0,32 фоиз), 597 бош отлардан 5 боши, яъни 0,83 фоизи эхинококклар билан зарарланганлиги аниқланган.

М. Аминжановнинг (2003) текширишларига кўра қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида ҳам эхинококкоз йилдан - йилга кўпаймоқда. Жумладан, 15 йил олдин касаллик қорамоллар орасида 24,3 фоизга, қўйлар – 45,1, эчкилар – 8,0, туялар – 25,4, эшаклар – 32,0 ва итлар орасида 15,0 фоизга

тенг бўлган бўлса, кейинги йилларга келиб қорамолларда 46,2 фоизга, қўйларда – 65,0, эчкиларда – 12,0 туяларда – 35,0 эшакларда – 38 ва итларда 24,3 фоизга кўпайганлиги қайд қилинган.

Э.Х. Эргашев ва бошқалар (2000) нинг маълумотиغا кўра эхинококкоз касалигидан содир бўладиган иқтисодий зарар йилига 5 млрд. сўмни ташкил этади.

С.А. Беэр, Р.С.Ермолова, Ю.И. Васерин (1990) ларнинг таъкидлашича Россия давлатида эхинококкоз билан касалланган бир одамга сарфланадиган харажат 15068400 рублни, ўлим содир бўлган ҳолда 79122500 рублни ташкил қилган.

Ф.П. Коваленко ва бошқалар (2000) нинг берган маълумотларига кўра Россия федерациясида эхинококкоз билан касалланган бир одамни операция қилиш жараёнидаги харажатлар 800-1400 АҚШ долларини ташкил қилган.

Bortelli G., Martini M (1992) маълумотиغا кўра Италиянинг Сардиния вилоятида ҳар йили одам ва ҳайвонлар эхинококкозига қарши курашиш учун сарфланаётган харажатлар 23 млрд. лирани ташкил қилган.

Эхинококкоз - гельминтоз касаллик бўлиб одам ва ҳайвонларнинг ички аъзолари (ўпка, жигар, буйрак ва бошқалар), баъзида мускулларда эхинококк пуфакларини паразитлик қилиши билан характерланади. Қўзғатувчиси *Echinococcus granulosus* (Batsch, 1786), Cestoda синфи, *Thaeniidae* Ludwig 1886 оиласи, *Echinococcus Rudolphi*, 1801 авлодига мансуб гельминтдир.

Қўзғатувчиси - *Echinococcus granulosus*, унинг вояга етган шакли ит ва бошқа йиртқичлар оиласига мансуб гўштхур ҳайвонлар организмида паразитлик қилади. Тана (стробила) си 0,5-0,6 см узунликда бўлиб 3-5 буғинлардан ташкил топган, сколекси 36-40 илмоқча билан қуролланган хартумга эга. Ҳар бир етилган буғинда 750-800 донагача гельминт тухумлари бўлади. *E. granulosus* билан зарарланган бир бош итда 7-8 минг нусхагача гельминтлар ривожланади. Одамлар ва ҳайвонларга касаллик асосан итлардан юқади. Касаллик ҳайвоннинг ориқлаши, камқонлиги ва тананинг айрим қисмларида шиш пайдо бўлиши билан тавсифланади.

Касалликнинг эпизоотологияси: Эхинококкоз дунёнинг кўпчилик мамлакатларида кенг тарқалган гельминтлар сирасига киради. Касаллик асосан қўйчилик ривожланган жойларда кенг тарқалган ва катта иқтисодий зарар келтиради. Республикамиз вилоятларида қўйларнинг эхинококкоз билан зарарланиши 30-35 фоиздан, 60-70 фоизгача, айрим хўжаликларда ундан ҳам юқори бўлиши аниқланган. Эхинококкоз билан қўй, эчки, қорамол, чўчка, от ва бошқа ҳайвонлар, ҳамда одам ҳам касалланади.

Қўзғатувчининг биологияси. Жинсий вояга етган эхинококклар гўштхур ҳайвонлар (ит, бўри, тулки, чиябўри ва бошқалар) ингичка ичакларининг олдинги бўлимларида яшайди ва ҳайвонларнинг тезаги билан етилган эхинококк буғинлари ташқарига чиқарилади, сўнгра буғинлар ҳаракатланиб ўт-ўланларга ёпишади ёки сувга тушади. Дефекация вақтида айрим эхинококк бугинлари асосий хужайиннинг орқа чиқарув тешиги

(анус) атрофидаги жунларга ёпишиб қолади. Бундай ҳолларда гўштхўр ҳайвонлар безовталаниб орқасини ҳар нарсага суркайди ва эхинококк тухумларини ташқи мухитга тарқатади.

Оралиқ хўжайинлар - қўй, эчки, қорамол, туя, от, кийик ва бошқа ҳайвонлар истеъмол қилаётган озукаси ва сув орқали, одамлар эса кўкатлар, узум, полиз ва сабзавот маҳсулотлари билан биргаликда эхинококк тухумларини еганда бу касалликка чалинадилар. Оралиқ хўжайинлар организмда меъда шираси таъсирида тухумларнинг қобиғи емирилиб улардан онкосфералар чиқади ва ингичка бўлим ичакларига ўтади. Ичак деворларини тешиб капиллярларга ва қон томирларига ўтади, қон ва лимфа билан организм бўйича тарқалади ва ички органлар, айниқса купрок ўпка ва жигарда, бошқа ҳолларда талок, буйрак, юрак, ҳатто бош мияда жойлашиб олиб, ўсиб ривожлана бошлайди. Оралиқ хўжайинларда эхинококк пуфакларини ривожланиш муддати кўпгина шароитларга боғлиқ бўлиб – ҳайвоннинг тури, ёши, жинси, ҳамда ҳайвонларни озиклантириш ва сақлаш, йил фасли ва бошқа омилларга узвий боғлиқ бўлиб, инвазион (ичида протосколекс пайдо бўлган) пуфаклар 5-10 ой давомида ривожланади. Етилган пуфаклар билан зарарланган ҳайвон ички органлари (ўпка, жигар, ва бошқалар) ит, бўри, тулки, шоқол ва бошқа гўштхўрлар томонидан истеъмол қилинганда пуфаклар ичидаги протосколекслар (паразит бошчалари) уларнинг ичагига бориб ичак деворига ёпишади ва вояга етади. Эхинококкларнинг асосий хўжайин (ит, бўри, тулки, чиябўри ва бошқалар) организмда ривожланиб вояга етиш муддати кўпгина адабиётларда 2-3 ой деб таъкидланади. Аммо М. Аминжоновнинг тадқиқотларига кўра бу муддат Ўзбекистон шароитида йилнинг фаслига қараб ўзгариши, ёзда 35-40 кун, куз-қиш фаслларида эса 60-90 кунни ташкил қилади.

Касалликнинг клиник белгилари: Эхинококкоз касаллиги сурункали кечганлиги боис клиник белгилари у даражада кузга ташланмайди. Эхинококк пуфаклари жигарда ривожланганда ҳайвон ориқлайди кўйлар отардан орқада қолади, кўринадиган шиллиқ пардалар сарғаяди, юпқа ёғ пардалик ич ўтиши кузатилиб, жигарнинг катталашуви, дамлаш (тимпания) ва ковшашнинг сустлашуви қайд этилади.

Ҳайвоннинг ўпкаси эхинококк пуфаклари билан зарарланганда, умумий ўзгаришлар - ҳайвоннинг ориқлаши, отардан орқада қолиши, иштаҳа ва ковшашнинг сустлашувидан ташқари, нафаснинг сиқилиши, ҳансираш, давомли куруқ йўтал кузатилади. Пуфак бош мияда жойлашган ҳолларда асабий бузилишлар, ўз атрофида айланиши, давдираб қолиш каби белгилар кузатилади.

Патологоанатомик ўзгаришлар: Эхинококклар билан касалланган ҳайвонлар ёриб курилганда ички органлари (ўпка, жигар, буйрак, талок, юрак мия ва бошқа ораганлар) да эхинококк пуфаклари борлиги аниқланади. Пуфаклар ҳар хил катталиқда, шарсимон, овал ва бошқа шаклларда органнинг юза қисмида ёки паренхима ичида жойлашган бўлиши мумкин.

Ташхис қўйиш: Ҳайвон тириклигида эхинококкозни аниқлашнинг махсус иммунобиологик усулда Казо аллергени билан аллергик реакцияда, серологик текширишлардан Билвосита гем агглютинация реакцияси (БГАР), Иммунофермент анализи (ИФА) реакцияси, ҳамда Ультра товуш текширишлари асосида ташхис қўйилади.

Олдини олиш чора тадбирлари: *Echinococcus granulosus* тараққиёти давомида икки хужайин организмида ривожланганлиги туфайли унга тавсия этиладиган тадбирлар икки гуруҳга бўлинади. 1. Биринчи гуруҳга оралиқ хужайинлар одам ва қишлоқ хужалик ҳайвонларининг итлардан зарарланмаслигини таъминловчи тадбирлар.

2. Асосий хужайинлар (ит, бури, тулки, чиябўри) ларнинг зарарланишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар.

1. Оралиқ хўжайинлар одам ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг итлардан зарарланмаслигини таъминловчи тадбирлар. Уларга кўра:

а). Хўжаликлардаги қишлоқ ва овуллардаги барча итлар рўйхатга олиниб, махсус дафтарда қайд қилиниши, рўйхатга олинган итларга паспорт очилиши, паспортда итнинг ёши, зоти, жинси, ранги, лақаби, шунингдек эгасининг исми шарифи ва турар жойи курсатилиши;

б). ҳар бир сурувда 1-2 бошдан кўп ит булмаслиги, улар албатта эркак бўлиши, хўжалик ҳисобига олиниши ва озуқа билан мунтазам таъминлаб турилиши;

в). сурувларга ит келтириш, итларни сурувдан сурувга кўчириш ветеринария ходимларининг назоратсиз амалга оширилмаслиги;

г). итларни хашак, ем омборларида ва молхоналарда сақланмаслиги.

д). барча ферма ва аҳоли яшайдиган манзилгоҳларда биттадан тўғри қурилган ва жиҳозланган дегельминтизация майдончалари ёки ветеринария санитария блоки бўлиши ва улардан тўғри фойдаланиш;

е). хўжалик ва аҳоли қармоғидаги рўйхатга олинган итлар сақланадиган жойлар мунтазам тозаланиб, нажаслари йиғиштирилиб йўқотилиши;

ж). ҳудудларда рўйхатга олинмаган дайди, кераксиз ва ортиқча итарни ваколатли махсус идора ходимларига топшириш;

з). чорвадорлар, аҳоли орасида ветеринария-санитария билимлари, гельминтозлардан сақланиш, уларни чорва моллари ва одам учун хавфлилиги туғрисидаги билимларни тарғиб қилиш, тушунтириш ишларини кенг кўламда (радио, телевидение, рўзномалар, маъруза ва суҳбатлар ёрдамида) амалга ошира бориш;

и). хўжаликлар ва аҳоли учун зарур бўлган итлар мунтазам гижжасизлантирилиб турилиши лозим.

Итларни гижжасизлантириш - ларвал цестодозларга қарши курашнинг асосий тадбири бўлиб, у бу касалликларни олдини олиш ва йўқотишда муҳим аҳамиятга эга. Итларни гижжасизлантириш учун кўйидаги антгельминт препаратлар қўлланилади.

Празиквантел (1 таблетка таркибида 50 мг АТМ)- ит, мушук, ва бошқа гўштхур ҳайвонларнинг 1 кг тирик вазнига 5мг АТМ ёки 1 таблетка 10 кг тирик вазнига оғиз орқали юборилади.

Азинокс плюс – итларнинг 10 кг тирик вазнига 1 дона таблетка берилади.

Альбен С – итларнинг 5 кг тирик вазнига 1 дона таблетка берилади.

Ажипрос плюс – итларнинг 10 кг тирик вазнига 1 дона таблетка берилади.

Дронцит – итларнинг 10 кг тирик вазнига 1 дона таблетка берилади.

Цестел – итларнинг 10 кг тирик вазнига 1 дона таблетка берилади.

Камала – бир бош итга 2-15 гр берилади.

Филиксан – итларнинг 1 кг тирик вазнига 0,2-0,4 гр берилади.

Ареколингидробромид – итларнинг 1 кг тирик вазнига 5 мг миқдорида 0,1 фоизли сувли эритма шаклида берилади.

Ўзбекистон шароитида итларни Ареколингидробромид препарати билан йилига 4 марта, яъни ҳар чоракда бир марта гижжасизлантирилса итларда ривожланиши мумкин бўлган ларвал цестодаларни олдини олади.

2. Асосий хўжайинлар (ит, бўри, тулки, чиябўри) ларнинг зарарланишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар.

ХУЛОСА. Эхинококкларнинг асосий хўжайинлари – ит ва бошқа гўштхўр ҳайвонлар зарарланиб касалликни тарқатмаслиги учун кўйидагиларни амалга ошириш зарур.

а). ҳайвонларни қушхоналарда сўйиш, эхинококк билан зарарланган ички органларни алоҳида ажратиб уларни зарарсизлантириш;

б). хўжалик шароитида ҳаром ўлган, мажбурий сўйилган ҳайвонларни танасини ва зарарланган ички органларини куйдирадиган махсус печ ёки биотермек зарарсизлантирадиган Беккеръ қудуғини ташкил қилиш.

в). ўлган молларнинг гавдалари, уларни ветеринария ходими кўргунга қадар итлар тегмайдиган жой ва шароитларда сақланиши лозим.

г). ветеринария кўригидан ўтмаган мажбуран сўйилган ҳайвонларни ички органларини итларга беришга йул қўймаслик.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Азимов Д.А. «Шистозоматиды животных и человека». Ташкент, Издательство «Фан», 1975 г. 65 с.

2. Аминжанов М. «Эхинококкоз – опасное заболевание». Журнал «Сельское хозяйство Узбекистана» 2003 г., №5, стр. 18-22.

3. Беэр А.С., Ермолова Р.С., Васерин Ю.И. “Эхинококкозы: методы исследования, лечения, профилактики”. М., 1990. Стр 19 – 25

4. Коваленко Ф.П и др. «Эхинококкозы – биология возбудителей, эпизоотология, профилактика». Журнал «Ветеринария» 2000. № 4. стр. 46-48.

5. Матчанов Н.М., Сагиева А.Т. и Садыков В.М. «Ларвальные тенидозы человека и каракульских овец». Издательство «Медицина» УзССР. Ташкент 1977 г. стр. 79-82.

6. Эргашов Э.Х. ва бошқалар “Эхинококкоз ўта хавфли касаллик унга қарши курашинг”. / журнал “Ветеринария Узбекистана”, 2000, № 3, 3-6 бет.

7. Bartelli G., Martini M. 1992. Ann. Inst. Super. Sanita, 28. № 4: 473 – 475.

РЕЗЮМЕ

ЭХИНОКОККОЗ - ОПАСНЫЙ ГЕЛЬМИНТОЗ

Арзиев Хидир Юлдашович¹, Расулов Шомурод Махмудович²

Ветеринарный научно-исследовательский институт., Ташкентская

медицинская академия.

shm81epid@mail.ru

Приводятся краткая характеристика наиболее часто встречающимся среди сельскохозяйственных и диких охотничьих, промысловых животных и представляющих собой угрозу для здоровья человека гельминтоза, то есть - эхинококкоза и меры борьбы с ними.

Ключевые слова. Гельминтозы, цестодозы, эхинококкозы, эпизоотология, эпидемиология, рвота.

SUMMARY

ECHINOCOCCOSIS - DANGEROUS HELMINTOSIS

Arziev Khidir Yuldashovich¹, Rasulov Shomurod Makhmudovich²

Veterinary research Institute, Tashkent medical Academy.

shm81epid@mail.ru

A brief description is given of the most common among agricultural and wild game and game animals that pose a threat to human health helminthiasis, that is, echinococcosis and measures to combat them.

Keywords. Helminthoses, cestodosis, echinococcosis, epizootology, epidemiology, vomiting.

УДК:615.32;615.015.21;615.015.3

ИЗУЧЕНИЕ ОСТРОЙ ТОКСИЧНОСТИ И КУМУЛЯТИВНЫХ СВОЙСТВ НОВОЙ РАСТВОРИМОЙ ФОРМЫ РУТИНА

Баратов Кузижон Раббимугли., Выпова Наталия Леонидовна.,

Якубова Рана Абдримовна., Матчанов Алимжон Давлатбоевич.,

Тагайалиева Нигора Абдунабиевна.

Институт биоорганической химии им. акад. А.С. Садыкова АН РУз

quzijon.baratov@mail.ru

Ключевые слова: рутин, глицирризиновая кислота, комплекс, токсичность, кумуляция, растворимость, биодоступность.

Введение. Лекарственные растения приобрели значение в системе здравоохранения во всем мире благодаря доказанным и эффективным терапевтическим свойствам [1]. По оценкам, 80% населения мира полагается на лекарства, которые содержат соединения растительного происхождения [2]. Одно из наиболее изученных и широко применяемых растительных агентов следует назвать ряд тритерпеноидов, выделяемых из